| | |
|---|---|
| | мудири, фалсафа фанлари номзоди, профессор<br>Г.Т.Исанова - ЎзМУ, Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси доцент в.б., сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) |
| 9. | **Тақризчилар:**<br>Х.А.Ахмедов–ЎХИА хузуридаги малака ошириш маркази директори, сиёсий фанлар доктори, профессор в.б. (турдош ОТМ)<br>Ф.Ҳ.Ҳикматов - ТДТУ, Ижтимоий фанлар кафедраси доцент в.б., сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) (турдош ОТМ) |



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

(ЎзМУ ректори)

202__ йил "__" ________

# СИЁСИЙ КОНФЛИКТОЛОГИЯ

## ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 300 000 – Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот |
| **Таълим соҳаси:** | 310 000 – Ижтимоий ва хулқ атворга оид фанлар |
| **Таълим йўналиши:** | 60310700 – Сиёсатшунослик |

Тошкент-2021

| Фан/модуль коди SKAB-407 | | Ўқув йили 2024-2025 | Семестр 7 | Кредитлар 7 | |
|---|---|---|---|---|---|
| Фан/модуль тури Мажбурий | | Таълим тили Ўзбек | | Ҳафтадаги дарс соатлари 6 | |
| 1. | Фаннинг номи | | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
| | Сиёсий конфликтология | | 90 | 120 | 210 |

**2.** **I. Фаннинг мазмуни**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга сиёсий конфликтология бўйича билимларнинг назарий асосларини, конфликтологиянинг асосий тушунчалари ва категорияларини, конфликтология борасидаги таҳлилий ва технологик билимларни шакллантириш орқали уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифаси -конфликтларни тизимлаштириш, башорат қилиш ва олдини олиш, зиддиятли вазиятларни танқидий баҳолаш қобилиятини, конфликтларни бартараф этиш учун конструктив ечимларни биргаликда ишлаб чиқишга ва унинг асосий характеристикаси бўлган умумий профессионал конфликтологик компетенцияни шакллантиришга ва мазкур компетенцияни ўқув ва амалий сиёсий фаолиятда қўллаш кўникма ва малакаларини эгаллашга қаратилган.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**1-мавзу.Сиёсий конфликтология фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари. Конфликт илмий таҳлил предмети сифатида.**

Конфликт тушунчаси ва унинг моҳияти. Конфликтнинг роли ва табиати ҳақидаги ғояларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши: асосий назарий парадигмалар. Конфликтли тадқиқотларнинг хусусиятлари, типологияси, даражалари. Конфликтнинг тадқиқот предмети сифатидаги ўзига хос хусусиятлари. Сиёсий конфликтология фан сифатида. Сиёсий конфликтологиянинг мазмуни, объекти, предмети ва функциялари. Жамият тараққиётида сиёсий конфликтологиянинг ўрни, мақсад ва вазифалари.



**Қўшимча адабиётлар:**


1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд: -Тошкент: Ўзбекистон, 2017 . – 592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд: - Тошкент: Ўзбекистон, 2018 йил. -592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг - иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд: - Тошкент: Ўзбекистон, 2019 . - 400 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан –миллий юксалиш сари. 4-жилд: - Тошкент: Ўзбекистон, 2020 . - 456 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 460 б.
6. Конфликтология XXI века. Пути и средства укрепления мира: материалы Третьего Санкт-Петербургского международного конгресса конфликтологов. Санкт-Петербург, 15–16 ноября 2019 г. -СПб.: Фонд развития конфликтологии, 2019. -414 с.
7. Кризис цивилизации в контексте политических процессов XXI века. / Под. ред. А.И. Костина. М.: МГУ, 2016. – 304 с.
8. Емельянов С.М. Конфликтология. 4-е изд., испр. и доп. Учебник и практикум для академического бакалавриата-М.: Издательство Юрайт,2019. – -322 с.
9. Гришина Н.В. Психология конфликта. СПб.: Питер, 2016. – С. 575.
10. Шестопал Е.Б. Власть и лидеры в восприятии российских граждан. Четверть века наблюдений (1993-2018). М.: Весь мир, 2019. – 656 с.
11. Охременко И. В. Конфликтология. Учебное пособие для СПО. М.: Юрайт, 2018. - 156 с.
12. Денисова Г.С. Этнокультурный механизм конструирования конфликтности: опыт кейс-стади в полиэтнических районах Ростовской области / Г.С. Денисова, Л.В. Клименко; Юж. федер. ун-т, Пед. ин-т. - Ростов-на-Дону: ИПО ПИ ЮФУ, 2012. - 206 с.

**Ахборот манбаалари**

13. www.prezident.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти
14. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
15. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
16. www.ziyonet.uz – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим портали


**7.** **Ўзбекистон Миллий университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.**

**8.** **Фан/модуль учун маъсулар:**

А.У.Утамуродов - ЎзМУ, Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси

| | |
|---|---|
| 3. | **V. Таълим натижалари / Касбий компетенциялари**<br>**Талаба билиши керак:**<br>• Сиёсий фанлар тизимида сиёсий конфликтологиянинг ўрни, сиёсий конфликтларни ўрганишнинг асосий назарияси ва методологияси, конфликтологик билимларнинг ривожланиш тарихи ҳақида ***тасаввурга эга бўлиши***;(билим)<br>• Сиёсий конфликтологиянинг концептуал аппаратини,сиёсий конфликтларни аниқлаш ва талқин қилиш кўникмаларини,сиёсий конфликтларни олдини олиш ва ҳал қилишнингасосий технологияларининг хусусиятларини***билиши ва улардан фойдалана олиши***;(кўникма)<br>• Турли даражадаги конфликтли вазиятларни таҳлил қилиш, сиёсий конфликтларни бартараф қилиш усулларини ишлаб чиқиш, ечимлар вариантларини таклиф қилиш ва олинган билимларни амалда кўллаш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***(малака) |
| 4. | **VI. Таълим технологиялари ва методлари:**<br>• маърузалар;<br>• интерфаол кейс-стадилар;<br>• семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар);<br>• гуруҳларда ишлаш;<br>• тақдимотларни қилиш;<br>• индивидуал лойиҳалар;<br>• жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар. |
| 5. | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни муваффақиятли топшириш. |
| 6. | **Асосий адабиётлар:**<br>1. Анцупов А. Я., Шипилов А. И. Конфликтология. Учебник. СПб.: Питер. 2019. - 528 с.<br>2. С.Г.Туронок Политическая конфликтология и технологии урегулирования конфликтов. - Москва: Кнорус, 2021. - 358 с.;<br>3. В.В.Кафтан Политическая конфликтология и технологии урегулирования конфликтов. - Москва: Кнорус, 2021. -396 с.;<br>4. Дмитриев А. В. Конфликтология: учебник / А. В. Дмитриев. - Изд. 3-е, перераб. -М.: Альфа-М; ИНФРА-М, 2009. -336 с. // http://znanium.com/bookread.php?book=203000.<br>5. Козырев Г.И. Политическая конфликтология: учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по направлениям подготовки ВПО 030200 "Политология" / Г. И. Козырев. - Москва: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. - 430 с. (28 экз.)<br>6. R.Jumayev, Sh.Yovqochev. Siyosiy texnologiyalar: O'quv qo'llanma.–T.: TDShI, 2018. – 232 b. |



| | |
|---|---|
| | **2-мавзу. Конфликтлар борасидаги ғоялар ва назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.**<br>Ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихида уруш ва тинчлик масалалари. Антик ва ўрта асрларда конфликт ва консенсус тушунчаси. Янги ва Европа маърифатпарварлари даврида конфликтологик тушунчалар. XVII-XVIII асрларда Европа сиёсий - ҳуқуқий тафаккури ва халқаро конфликтларни ўрганиш. XIX ва XX аср бошларида конфликтологик ғояларнинг ривожланиши. XX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий конфликт назариясининг ривожланиши.<br><br>**3-мавзу. Конфликтологиядаги асосий назарий ёндашувлар.**<br>Конфликтологик ғоялар шаклланишининг объектив шарт-шароитлари. Конфликт борасидаги илмий қарашлар эволюцияси. Конфликтнинг ижтимоий-психологик назариялари. Конфликтнинг ижтимоий-тузилмавий назариялари. Конфликтларнинг ижтимоий-таркибий ва сиёсий-маданий омилларининг ўзаро боғлиқлиги. Динамик назариялар: конфликт интерфаол жараён сифатида. Амалий билимлар конфликтологик фикрларнинг манбаи сифатида. Маҳаллий ва хорижий конфликтологиянинг умумий хусусиятлари. Ижтимоий конфликтлар ҳақидаги билимлар эволюцияси. Чет эл психологиясида ва социологиясида конфликт муаммоси. Хорижий сиёсий фанлардаконфликт назариялари.<br><br>**4-мавзу. Низоларни тадқиқ этишнинг методологик асослари.**<br>Конфликтларни тадқиқ этишнинг методологик тамойиллари. Конфликтларни ўрганишнинг тизимли ёндашуви. Конфликтни тасвирлашнинг универсал концептуал схемаси. Конфликтлар таҳлилининг босқичлари. Конфликтологик тадқиқотлар дастури. Сиёсий конфликтнинг тадқиқот предмети сифатида ўзига хослиги. Конфликтларни тадқиқ қилишнинг вазиятий усули, унинг умумий хусусиятлари. Гуруҳлараро конфликтларни тадқиқ қилиш усуллари. Гуруҳлараро конфликтларни ўрганишнинг сифат усуллари.<br><br>**5-мавзу. Конфликт мураккаб вазиятларнинг бир тури сифатида. Конфликтларнинг намоён бўлиш даражалари ва типологияси.**<br>Инсон ҳаётидаги мураккаб вазиятлар. Қийин вазиятларда инсон хулқ-атворининг намоён бўлиши. Конфликтларга чидамлилик психологик ва ижтимоий бардошлилик ва баркарорликнинг бир тури сифатида. Конфликтологияда таснифлаш муаммоси. Конфликтларни таснифлашнинг |

асосий турлари. Конфликт ижтимоий ҳаёт ҳодисаси сифатида.

**6-мавзу. Ижтимоий конфликт тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш.**
**Конфликтлар келиб чиқишининг сабаблари.**

Ижтимоий конфликтнинг тузилиши. Конфликтга қарши томонлар. Конфликтнинг объекти ва предмети. Ижтимоий конфликтларнинг асосий турлари. Ижтимоий конфликтнинг вазифалари. Конфликтлар келиб чиқишининг объектив омиллари. Конфликтларнинг ташкилий-бошқарув сабаблари. Конфликтларнинг ижтимоий-сиёсий ва психологик сабаблари. Конфликтлар келиб чиқишининг шахс билан боғлиқ сабаблари.

**7-мавзу. Конфликтнинг тузилиши ва функциялари.**

Конфликтнинг объектив компонентлари. Конфликтнинг психологик компонентлари. Конфликтли вазиятни идрок этиш хусусиятлари. Конфликт функцияларининг иккиёқлама табиати. Конфликтларнинг асосий иштирокчиларга таъсири. Конфликтларнинг ижтимоий муҳитга таъсири.

**8-мавзу. Жамиятнинг турли қуйитизимидаги конфликтлар.**
**Конфликтлар динамикаси.**

Ички шахсий конфликтлар. Шахсларaро конфликтлар. Гуруҳ ва конфликт. Ташкилотдаги конфликтлар. Ижтимоий-меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий конфликтлар. Ҳуқуқий конфликтлар. Конфликт ривожланишидаги асосий давр ва босқичлари. Конфликтнинг авж олиши. Ҳар хил турдаги конфликтлар динамикаси.

**9-мавзу. Сиёсий конфликтология фан ва академик курс сифатида.**

«Конфликтология», «сиёсий конфликтология» концепцияларининг таърифи. Сиёсий конфликтологиянинг объекти ва предмети. Сиёсатшунослик ва сиёсий конфликтологияни ўрганиш усуллари ва методологияси. Сиёсий конфликтларни бошқариш функциялари. Сиёсий конфликтологиянинг фан сифатида ўрни ва аҳамияти.

**10-мавзу. Сиёсий конфлuкт ижтимоий ҳодиса сифатида.**

Ижтимоий конфликт тушунчаси ва моҳиятининг таърифи. Ижтимоий конфликтнинг тузилиши. Можаронинг қарама-қарши томонлари. Конфликтнинг объекти ва предмети. Ижтимоий конфликтларнинг асосий турлари. Ижтимоий конфликтнинг функциялари. Ижтимоий конфликт жараён сифатида ва унинг ривожланиш босқичлари.



22.Консенсус ва сиёсий барқарорлик.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

**IV.Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Сиёсий конфликтологиянинг назарий-методологик асослари.
2. ХХ аср бошларида пайдо бўлган конфликт назарияларини ўрганиш зарурати.
3. Сиёсий конфликт ижтимоий ҳодиса сифатида.
4. Глобаллашув жараёнида конфликтли ҳодиса ва прецедентларни тадкик этишнинг зарурати.
5. Конфликтнинг тузилиши ва ривожланиш жараёни.
6. Конфликтларни таҳлил, диагностика ва башорат қилиш.
7. Замонавий жамиятларда конфликтни келтириб чиқарувчи омиллар.
8. Сиёсий институтлар ички сиёсий конфликтлар ва инқирозларнинг омиллари сифатида.
9. Этносиёсий ва диний конфликтлар ва уларнинг жамият барқарор тараққиётига таъсири.
10. Консенсус ва муроса сиёсий барқарорлик омили сифатида.
11. Сиёсий танглик динамикаси ва намоён бўлиш шаклларига таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омиллар.
12. Сиёсий экстремизм ва терроризм.
13. Терроризм XXI асрдаги хавфсизликка таҳдид солувчи асосий муаммо сифатида.
14. Этносиёсий конфликтларни худудий менежменти.
15. Конфликтларни ҳал қилишнинг асосий босқичлари.
16. Музокаралар конфликтни бартараф этишнинг универсал усули сифатида.
17. Музокаралар жараёнида шериклар хулқ-атворининг моделлари.
18. Табиий ресурслар учун кураш-замонамизнинг конфликтоген омили сифатида.
19. Замонавий дунёда ташқи сиёсий конфликтлар ва уларнинг мамлакат хавфсизлигига таҳдиди.
20. Конфликтларни хал қилиш жараёнидаги музокаралар психологияси.
21. Сиёсий қарорларни қабул қилишда лоббизм ва босим гуруҳи.
22. Конфликтларни хал қилишнинг асосий босқичлари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

методологик ёндашувлари: «бирдамлик», «психологик», «сиёсий келишув», «сиёсий тартиб», «сиёсий барқарорлик», «сиёсий интеграция», «сиёсий мувозанат» тушунчалари. ". Консенсус ва муроса. Консенсус зиддиятли вазиятларда қарорлар қабул қилиш ўсули сифатида. Халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХҲТ) фаолиятидаги консенсус принципи. Сиёсий барқарорлик. Сиёсатшуносликдаги сиёсий барқарорлик концепциялари. Ж.Блонддельнинг уч ўлчовли сиёсий тизими. Д.Истоннинг«Сиёсий ҳаётнинг тизимли таҳлили» асари (1965). С.М.Липсетнинг демократик барқарорлик концепцияси. Д.Сандерснинг ички зиддиятли хулқ-атвори концепцияси. Сиёсий барқарорликни белгиловчи омиллар.

## III. Амалий машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар

**_((Лаборатория ишлари), (Семинар машғулотлари), (Курс иши),_**

**_(Мустақил таълим)_**_ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади)_

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Сиёсий конфликтология фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари. Конфликт илмий таҳлил предмети сифатида.
2. Конфликтлар борасидаги ғоялар ва назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
3. Конфликтологиядаги асосий назарий ёндашувлар.
4. Низоларни тадқиқ этишнинг методологик асослари.
5. Конфликт мураккаб вазиятларнинг бир тури сифатида.Конфликтларнинг намоён бўлиш даражалари ва типологияси.
6. Ижтимоий конфликт тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш. Конфликтлар келиб чиқишининг сабаблари.
7. Конфликтнинг тузилиши ва функциялари.
8. Жамиятнинг турли қуйи тизимидаги конфликтлар. Конфликтлар динамикаси.
9. Сиёсий конфликтология фан ва академик курс сифатида.
10. Сиёсий конфликт ижтимоий ҳодиса сифатида.
11. Сиёсий конфликт тушунчаси ва моҳияти.
12. Сиёсий конфликтнинг тузилиши ва унинг динамикаси.
13. Сиёсий конфликтлар, унинг намоён бўлиш шакллари.
14. Сиёсий конфликтда зўравонлик ва терроризм.
15. Сиёсий конфликтларнинг диний омили. Этносиёсий конфликтлар.
16. Халқаро конфликтларнинг моҳияти ва типологияси.
17.Замонавий дунёда миллий ва халқаро ҳавфсизлик муаммолари.
18. Халқаро ҳавфсизлик ва уни таъминлаш механизмлари.
19. Глобал ҳавфсизликни таъминлашдаги янги муаммолар: ахборот асри можаролари.
20. Сиёсий конфликтларни олдини олиш, бартараф қилиш ва тартибга солиш йўллари.
21. Сиёсий конфликтларда музокаралар ва воситачилик. сиёсий конфликтларнинг олдини олиш ва хал қилиш усули сифатида.



### 11-мавзу. Сиёсий конфликт тушунчаси ва моҳияти.

Сиёсий конфликт тушунчаси ва моҳияти. Сиёсий конфликтнинг хусусиятлари. Сиёсий конфликтларнинг типологияси. Сиёсий манфаатлар тўқнашуви. Сиёсий маданиятлар тўқнашуви. Сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида лоббизм ва босим гурухлари. Сиёсий конфликтларнинг пайдо бўлиш сабаблари.

### 12-мавзу. Сиёсий конфликтнинг тузилиши ва унинг динамикаси.

Сиёсий конфликт тузилишининг асосий элементлари. Сиёсий можаро иштирокчилари. Сиёсий конфликт субъектлари. Сиёсий конфликт субъектларининг хусусиятлари. Етакчининг сиёсий конфликт таркибидаги ўрни ва роли. Сиёсий можаро иштирокчилари. Сиёсий конфликтларда жабрланувчининг роли. Сиёсий конфликтларнинг объекти ва предмети. Сиёсий зиддиятларнинг ривожланиш муҳити.

Конфликтнинг умумий динамикасини аниқлаш. Қарама-қаршиликнинг пайдо бўлиши ва зиддиятли вазиятнинг шаклланиши. Зиддиятли ҳодисанинг функциялари. Конфликтнинг ривожланиши (эскалацияси). Зиддиятларни мувозанатлаш ва низоларни хал қилиш. Конфликтдан кейинги босқич.

### 13-мавзу. Сиёсий конфликтлар, унинг намоён бўлиш шакллари.

Сиёсий кескинлик тушунчаси. Сиёсий зўриқишнинг пайдо бўлиш сабаблари. Ижтимоий (сиёсий) кескинлик динамикаси. Сиёсий кескинлик динамикасига таъсир кўрсатувчи шартлар ва омиллар ҳамда уларнинг намоён бўлиш шакллари. Ижтимоий (сиёсий) кескинликни ўлчаш усуллари. Ижтимоий кескинлик ва зиддият динамикасининг ўзаро боғлиқлиги.

Сиёсий кураш шаклларининг хилма-хиллиги. Уруш сиёсий конфликт шакли сифатида. Инқилоб сиёсий конфликт шакли сифатида. Сиёсий конфликт шаклларининг сиёсий режим турига боғлиқлиги.

### 14-мавзу. Сиёсий конфликтда зўравонлик ва терроризм.

Зўравонлик тушунчаси ва типологияси. Зўравонлик ва тажовузнинг табиати. Зўравонлқнинг мақсади ва мотивлари. Зўравонликни чеклаш усуллари. Глобаллашув шароитида зўравонлик. Терроризмнинг моҳияти ва типологияси. Терроризмга қарши курашдаги муаммолар ва қийинчиликлар. Радикал мафкуравий концепциялар ва сиёсий экстремизм.

**15-мавзу. Сиёсий конфликтларнинг диний омили. Этносиёсий конфликтлар.**

Дин ижтимоий институт сифатида. Сиёсат ва дин. Замонавий дунёда диний конфликтлар. Этносиёсий конфликтларнинг табиати. «этносиёсий конфликт», «миллатлараро можаролар», «этноҳудудий можаролар» тушунчалари. Этносиёсий назария доирасида конфликтларни ўрганиш (М.Гектер, Т.Нейрн, Ж.Ротшильд) Этносиёсий сафарбарлик этносиёсий конфликтларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши омили сифатида. Этносиёсий низоларни ҳал қилиш хусусиятлари.

**16-мавзу. Халқаро конфликтларнинг моҳияти ва типологияси.**

Халқаро конфликтларнинг табиати. Халқаро муносабатлар тизимида халқаро конфликтлар. Халқаро конфликтларнинг таснифи. Халқаро конфликтнинг тузилиши. Халқаро конфликтларни тадқиқ этишнинг асосий ёндашувлари. «Strategic Studies », «Conflict Studies », «Peace Research». Халқаро конфликтнинг ривожланиш босқичлари. А.Раппопорт асарларида уруш ва тинчлик муаммолари. Инқироз халқаро конфликтлар ривожланишининг алоҳида шакли сифатида.Глобал, минтақавий, маҳаллий конфликтлар.Халқаро муносабатларда қуролли тўқнашув ва уруш. Халқаро хавфсизлик. Минтақавий хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик институтлари ва уларнинг самарадорлиги. Халқаро ҳамжамият ва низоларни ҳал қилиш. Қуролли конфликтларнинг халқаро ҳуқуқи. Тинчликни сақлаш операциялари. Конфликтли вазиятларга халқаро ҳамжамият аралашувининг имкониятлари ва чегаралари.

**17-мавзу. Замонавий дунёда миллий ва халқаро ҳавфсизлик муаммолари.**

Миллий хавфсизлик: асосий концептуал ёндашувлар. Миллий хавфсизлик сиёсатининг мазмуни: асосий турлари, амалга ошириш соҳалари, таҳдид ва муаммо манбалари. Давлат миллий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмлари. Мажбурлаш сиёсати халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш воситаси сифатида.

**18-мавзу. Халқаро ҳавфсизлик ва уни таъминлаш механизмлари.**

Халқаро хавфсизликнинг концептуал ўлчовлари. Халқаро хавфсизликни таъминлаш механизмлари: қиёсий-тарихий таҳлил. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро хавфсизлик ва тинчликни сақлаш муассасаси сифатида.



**19-мавзу. Глобал ҳавфсизликни таъминлашдаги янги муаммолар: ахборот асри можаролари.**

Замонавий дунёда ҳавфсизликка «симметрик»ва «ассиметрик» таҳдидлар. Ахборот асридаги ҳарбий-сиёсий конфликтларнинг янги турлари. Таҳдидларнинг янги турларига қарши кураш стратегияси: умумий тасаввурлар.

**20-мавзу. Сиёсий конфликтларни олдини олиш, бартараф қилиш ва тартибга солиш йўллари.**

Сиёсий конфликтларни олдини олиш ҳамда бартараф қилишнинг умумий тамойиллари ва ёндашувлари. Сиёсий конфликтларни бартараф қилишнинг мумкин бўлган вариантлари. Томонларнинг ўзаро боғлиқлиги шроитида сиёсий конфликтларни олдини олиш ва бартараф қилиш. Сиёсий конфликтларни бошқариш.

Конфликт менеджменти. Конфликтнинг институтционаллашуви. Редукция, яъни конфликтнинг бошка даражага ўтказилиши хисобига изчил бўлиб бориши. Сиёсий конфликтни ҳал килишнинг олти тамойили. Е.Нордлингер, Р. Дал конфликтнинг уч муқобили хакида: «боши берк кўчага кириш»,« мажбурлаш», « тинч йул билан хал килиш». Ихтилофларни хал килиш муолажалари. Конфликтли медиаторинг.

**21-мавзу. Сиёсий конфликтларда музокаралар ва воситачилик. сиёсий конфликтларнинг олдини олиш ва хал қилиш усули сифатида.**

Музокаралар тушунчаси ва моҳияти. Сиёсий музокараларнинг таснифи ва функциялари. Музокараларда учинчи томоннннг роли. Музокаралар жараёнини PR кўллаб кувватлаш. Музокараларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.

Сиёсий конфликтларда воситачилик ва унинг шакллари. Сиёсий воситачиликнинг мақсад ва вазифалари. Расмий ва норасмий воситачилар. Учинчи томоннинг конфликтдаги роллари: ҳакам, арбитр,воситачи,ёрдамчи, кузатувчи. Медиация жараёни, унинг асосий босқичлари. Сиёсий конфликтларда воситачилик фаолиятининг самарадорлиги. Воситачилик техникаси: рефлексив аралашув, контекстуал аралашув, мустақил аралашув.Сиёсий конфликтларда воситачини танлаш муаммоси.Давлатлар, хукуматлараро ва нодавлат ташкилотларнинг воситачилиги. Норасмий воситачилик. Сиёсий конфликтларда воситачилик ҳаракатлариңинг самарадорлиги кўрсаткичлари.

**22-мавзу.Консенсус ва сиёсий барқарорлик.**

«Сиёсий консенсус» тушунчаси. Сиёсий консенсус жамиятнинг сиёсий тизимида баркарорликка эришиш воситаси сифатида. Консенсус сиёсий ривожланишнинг шарти сифатида. Сиёсий фанларда консенсусни ўрганишнинг